

2025-yil
18-yanvar
shanba
№9
(5073)

YURT TARAQQIYOTI YO'LIDA BIRLASHAYLIK!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiga boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амирликлари ҳамкорлиги:

ЯШИЛ
ИКТИСОДИЁТ
ОРКАЛИ ЯНГИ
МАРРАЛАРГА ЙУЛ



Ўзбекистон етакчисининг шу йил 13-16 январь кунлари БААга ташрифи икки томонлама муносабатлар тарихида янги саҳифа очгани, хусусан, ҳамкорлик стратегик шериклик даражасига кўтарилигани билан аҳамиятли бўлди.

Ўзбекистоннинг Бирлашган Араб Амирликлари билан яшил иктисодий соҳасидаги ҳамкорлиги нафакат экологик мақсадларга эришиш, балки мамлакатнинг стратегик мағафатларини таъминлашга каратилган қадамлардан хисобланади. Зотан, Янги Ўзбекистоннинг стратегик мақсадларидан бирни экологик баркарорликни таъминлаш, иктисодий ўсишнинг ресурслар тежакорлигига асосланган «яшил» ривожланиши моделига ўтишидир.

Бу йўлда эса мамлакатимиз мухим қадамлар ташлашга ўтмокда. Айни максадда 2025 йил Узбекистонда «Атрофимухитин асараш ва «яшил» иктисодиёт йили» деб ёзлон килинди. Ўтган йилнинг якунидаги Озарбайжоннинг Боку шаҳрида бўлиб ўтган «СОР-29» доирасида Узбекистон, Коғозистон ва Озарбайжон ўртасида яшил энергетика коридори бўйича шартнома имзоланганда бу жаённинг мухим воқеаликларидан биридир. Ушбу коридор, бир томондан, экология соҳасидаги мақсадларга эришишга хизмат килса, иккичи томондан, минтақанинг ташки энергетикага боғликлигини камайтиришига каратилган. Ҳамкорлик натижасида минтақада янги энерге-

тик сиёсат учун мукобил платформа яратилади.

Шунин алоҳида кайд этиши жоизки, «яшил» энергия соҳасидаги Бирлашган Араб Амирликлари Ўзбекистоннинг ишончли ва стратегик ҳамкоридор. Сўнг йилларда Амирликлар билан инвестициялар портфели 26 миллиард доллардан ошган. Улар орасида кайта тикланувчи энергетика лойиҳалари асосий локомотив бўлмокда.

Колаверса, баркарор ривожланиш хафталиги давомида ҳам бир катор мухим учрашувлар бўлиб ўтди ва уларда Ўзбекистон учун аҳамиятли мухим хужжатлар имзоланди.

БАА билан яшил иктисодиёт йўналишидаги ҳамкорлик Ўзбекистон учун нафакат инвестиция, балки халкаро имижини мустахкамлаш учун ҳам катта имкониятлар эшигини очди. Амирлик компаниилари билан лойиҳаларни амалга ошириш мамлакатга нафакат сармояларини, балки инновацион технологияларини ҳам кириб келишига хизмат килмокда.

БААнинг глобал саҳнадаги обруси, уларнинг замонавий технологиялар ва инновацияларни өчимиздаги лидерлик позицияси Ўзбекистон учун стратегик ҳамкор сифатида жозибадор. Ўзбекистоннинг яшил иктисодиёт

ва энергетикага қаратаётган эътиборини нафакат экологик холатни яхшилаш, балки мамлакатнинг иктисодий ва геосиёсий мустакиллигини таъминлашга каратилган катта қадам сифатида баҳолаш мумкин. БАА билан ҳамкорлик эса бу мақсадларга эришища мухим воситадир.

Яна шунин алоҳида кайд этиши жоизки, мазкур йўналишида минтақадаги ҳамкорлик тобора кучайиб, Марказий Осиёни «яшил» иктисодиёт стратегияси Ўзбекистон учун келажакда минтақадаги энергетик марказлардан бирнга айланиш имконини бериши мумкин. Бу нафакат миллий мағафатларга, балки глобал мақсадларга эришиш учун ҳам хизмат килади.



Фарход КАРИМОВ,
сиёсатшунос

Маълумотларга кўра, Ўзбекистонда 500 гигаватт куёш, 100 гигаватт шамол ва 10 гигаватт гидроэнергия ишлаб чиқариш салоҳияти мавжуд.

ЖЕКСОН-
ВЕНИК
ТУЗАТИШИ

унинг олиб
ташланиши
Ўзбекистон билан
алоқаларда
нималарни
ўзгартиради?



АҚШда ҳокимият алмашти. Сайланган Президент Дональд Трамп 20 январдан сўнг президентлик ваколатларини бажаришга киришади.

Трамп АҚШ давлат котиби лавозимига илгари сураётган асосий номзод – Марк Рубено. У шу кунларда Марказий Осиё бўйича мухим байонт билан чиқди. Рубенонинг фикрича, Марказий Осиё давлатларига нисбатан татбиқ этилаётган «Жексон ва Веник тузатиши» алмисидан колган эскилик саркиттирип ва уни тўлиқ олиб ташлаш зарур.

Бу тузатиши иккита конгрессмен – Генри Жексон ва Чарлз Веник ташаббуси билан СССРда инсон хукукларини бузилиши, совет фукаролари учун эмрин-эркин кўчуб кетиши хукуки берилмаётганига карши жазо чораси сифатида 1974 йили қабул килинган ва АҚШнинг «Савдо тўғрисидар» гондиган киритилган эди.

1991 йилга келиб, СССР кулади. Аммо бу тузатиши бекор бўлмади. Ўз-ўзидан янги пайдо бўлган мустакил давлатларга, хусусан, Ўзбекистонга нисбатан сакланниб колаверди.

Марк Рубенога қадар олдинги АҚШ сиёсатчилари-ю, давлат котиблари ушбу тузатишидан воз кечиши вакти келганини кўп бор таъкидлашган.

Хозирда бу тузатиши факат размий тусга эга. Реал хаётда АҚШнинг на Ўзбекистон, на бошқа кўшини давлатлар билан савдо-иктисодиёт ва сиёсий муносабатларida Жексон-Веник тузатиши тасъир кучига эга эмас. АҚШ конунилигига кўра, хотто бу тузатиши тўлик ишлаб турган вактда ҳам, Президент ва Давлат котибининг ушбу тузатиши хосил киладиган санкцияларни бир йилга ёки маълум муддатга бекор қилиши хукуку бор ва у авваллари кўп бор қўлланилган.

Иккичидан, бу тузатиши назарда тутган инсон хукуклари билан боғлик мумаммопар тарих катларида колиб кетди. Бугун на Ўзбекистон ва на Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари миграция ёки эмиграция гўзинини килиди. Тўғри, минтақада давлатларда инсон хукуклари билан боғлик мумаммопар камилиллар бор. Аммо минтақада хеч бир давлати собиқ СССР каби тоталитар табигатта эга эмас. Колаверса, минтақада хукукини эгаллайди, балки Сенат ва вакиллар палатасида ҳам кўпчилик ўрнинларни кўлга киритди.

Янни, аввалинда бирон-бир давлат котиби шундай ташаббус билан чикса, ракиб партия бу лойиҳага вето кўйяди. Бу сафар ушбу ташаббусни охиригача етказиши имкони бор.

Колаверса, ушбу тузатиши сақланниб колган тақдирда ҳам, Ўзбекистон – АҚШ муносабатларига соя сола олмайди. Аксинча,

АҚШда бироркотия чукур илдиз отган, оғиркарвон, ўзаро тийиб туриш ва ракобат сабаб рационализмидан анча чекинган бошқарув моделинозага келганини англатувчи тарихий «реликт» эканига ишора килиб туради.

Камолиддин РАББИМОВ,
сиёсатшунос



Озарбайжон Маданият маркази масъуллари «Ishonch»да

Ўзбекистондаги Ҳайдар Алиевномидаги Озарбайжон Маданият маркази масъуллари – марказнинг янги тайинланган раҳбари Акиф Маришли ҳамда марказ маъмури Юсиф Маммадов «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририятида бўлишиди.

Учрашувда икки мамлакат халқлари ўртасида олиб борилаётган дўстона ҳамкорлик янги босқичга чиқаётгани ётироф этилди.

Таҳририят бош мұхаррири Хусан Эрматов меҳмонларга газеталар ва сайт фаолияти ҳақида батаффисл маълумот берди ўтди.

Шу асно Озарбайжон Маданият маркази масъуллари ishonch.uz сайтининг медиа маркази ҳамда «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари даги иш жараёни билан ҳам яқиндан танишидилар.

Конвергент таҳририят фаолияти меҳмонларда катта таассурот қолдириди.

«Ishonch»ни
каналида ҳам
кузатиб боринг!





Ишсиз эди, ишли бўлди яна 10 қўшнисини ишли қилди



Давлатимиз раҳбарининг та-шаббуси билан ҳаётга татбиқ этилган «Аёллар дафтари» орқали кўплаб муаммолар ҳал өтимоқда. Ҳусусан, Фаргона вилоятида ўтган йиллар давомидаги «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларга кўрсатилган ёрдам сабаб уларнинг бири тадбиркорга, бири иш берувчига айланди, бошқасининг эса доимий бандлиги таъминланди.

Узокка бормайлик, «Аёллар дафтарининг 5-боскичи» доирасида 800 мингдан ортиқ 30 ёшдан юкори бўлган хотин-қизлар ўтасида анкета-сўровномалар асосида хатлов ишлари амалга оширилди. Урганишлар натижасига, 109 минг 506 нафар хотин-қиз «Аёллар дафтари»га киритилди. Уларнинг барчасига тоифаси бўйича амалий ёрдамлар кўрсатилини. Бунинг учун Республика ва маҳаллӣ бюджет хамда бошқа манбалар хисобидан 69,5 млрд. сўм маблаш сарфланди.

Шу эзгу ташаббуснинг давоми сифатида «Аёллар дафтари»нинг 6-боскичи бошланганинг бир хотин-қиз эътибордан четда эмаслигини кўрсатди.

Вилоядта 1 минг 63 та маҳалла фуқаролар йигини мавжуд. Айни пайтда «Маҳалла еттилиги» секторлар ишчи гурухлари билан биргаликда анкета-сўровнома

асосида хотин-қизларнинг барча йўналешдаги муаммолари уйма-уй юриш орқали ўрганиб чиқилмоқда.

Бундай ишлар Бувайда туманида хам белгиланган тартиб бўйича олиб борилмоқда.

Маҳалламиздаги истикомат килаётган 3 минг 510 нафар ахолидан 1 минг 776 нафари аёллар. Уларнинг 652 нафари 30 ёшдан ошган хотин-қизларидир, – дейди тумандаги «Янги ҳаёт» МФЙ хотин-қизлар фаолиёт Садоқат Бойматова. – Ҳозир ҳар бир хонадонга кириб, хотин-қизлар билан сухбатлар ўтказиш орқали уларни кийнаётган муаммоларни анкета-сўровнома мага кайд, этапмиз. Ўтган йили 5-боскич доирасида 105 нафар хотин-қиз «Аёллар дафтари»га киритилган эди. Уларнинг барчисига тоифалар бўйича зарур кўмак кўрсатилиши натижасидаги муаммоларига сим топилди.

Шу маҳаллада яшовини Умидхон Раҳмонхонова ҳам ишнисиги боис «Аёллар дафтари»га киритилган эди. Унун егаллашини билди. Мономарказда тиқвичиликни ўрганди. Кўйтмай бинойидач ҷеварга айланди. Унга субсидия асосида тикув машинаси берилди. Ўрганган ҳунари асосида уйда тиқвичиликни бошлаб, кам бўлаётгани ўйк.

Гавҳар Мамажонованинг бошидан хам кўп саводлар ўтди. Вояга етган ўтли ишлаб пулди тоғаман дегандага автоҳалоатга учарб, соглигидан айрилди. Ўрганишлар асносида она «Аёллар дафтари»га киритилди.

Жамшид ЭРГАШЕВ
«ISHONCH»

«Аёллар дафтари»ни
варақлагандага...



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси Қорақалпоғистон кенгашида «Аёллар дафтари»ни шакллантириш бўйича бажарилиши лозим бўлган ишлар хусусида йиғилиш бўлиб ўди.

Унда прокуратура, ички ишлар, Оила ва хотин-қизлар бўлими, туман ва шахарлардаги маҳалла раислари, ижтимоий хизмоя агентлиги, тиббиёт, банк мутасадилари, халқ таълими ва бошқа ташкилотлар маъсуслари хамда касаба уюшма фаолияти иштирок этиши. Тадбир аввалида Федерациининг Қорақалпоғистон кенгашини раиси Улугбек Жалменов «Аёллар дафтари» тизимини юритишнинг янги тартиби, киритилган айрим

ўзгаришилар, шунингдек, индивидуал дастур, йўл ҳаритаси, хатлов, анкета тўлдириш масалалари, мазкур тизимнинг олтинчи босқичида амалга оширилиши на-зарда тутилган вазифалар юзасидан ба-тағсис сўз юритди.

Шундан сўнг, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашини раиси Равшан Бедилов сўзга чишиб, ўтган ийни Қорақалпоғистонда бешинчи босқичда кариб 198 000 нафар

хотин-қизга амалий ёрдамлар кўрсатилгани ва камбагаллик иккى баробар камайганини алоҳида таъкидлади.

Қорақалпоғистон Республикаси прокурориниң ўринбосари Шерзод Мухаматов Президентимиз ташаббуси билан жорий килинган мазкур тизимнинг афзалликлари ва галдаги вазифалар ҳакида сўзлаб берди.

Фотима АБДУРАИМОВА
«ISHONCH»

198 000 нафар хотин-қизга АМАЛИЙ КЎМАК КЎРСАТИЛГАН

Махсуда Тошқўзиева ёлғиз ўзи 2 нафар фарзандини тарбиялайди, собиқ турмуш ўртоғидан ҳеч қандай алимент пули олмайди. Камига оғир хастилиқдан азият чекади, ишсиз, ижарада ўтиради. Ҳозирги кунда унинг ўзи ва 20 ёшли қизи Оминабону Наманганд шаҳридаги хусусий университетнинг 3-курс талабаси. 6 ёшли қизаси Афруза болалар боғчасига қатнайди.

Миллатни ўқитишига МЕНГЗАШ МУМКИН

Унинг ижти-
моий ахволини
«Аёллар дафтари»
мутасадилари атроф-
лича ўрганиб чиқка,
олий ўкув юртига кон-

тракт пули тўлаб берилладиган бўлди.

Наманганд шаҳар ҳокимининг ўрин-
босари, Оила ва хотин-қизларни кўл-
лаб-куватлаш бўлими бошлиги Дилю-
ром Абдураҳимова олий таълим муса-
сасаларида таҳсил олаётган ижтимоий

муҳофазага муҳтож хотин-қизлар билан
учрашиди.

Самимий руҳда ўтган давра сухба-
тида давлатимиз раҳбари томонидан хотин-қизларни кўллаб-куватлаш бора-
сида олиб борилаётган тизимли ишлар, яратиласетган имконият ва имтиёзлар тўғрисида маълумот берилди, «Аёллар дафтари» жамғармаси хисобидан 9 нафар хотин-қизга контракт пуллари ўтказиб берилди.

– Аёлларни ўқитсан, бутун бир миллатни ўқитган бўламиш, – дейди Дилюром Абдураҳимова. – Шу боис, улрага катар имтиёзлар яратиб берилганди. Жумладан, алоҳида котвалар, контракт тўлови учун фоизисиз имтиёзли кредитлар акжасияти, магистратурага ўқишига кирган хотин-қизларнинг контракт тўловлари 100 физ давлат томонидан тўлаб берилмоқда. Бу хайрли ишлар жамиятни, кела-жагимиз эгаларининг интеллектуал салоҳиятини юмаштишина талаб кила бошлади.

Анваржон ХАЛИМОВ
«ISHONCH»



Оламда БУГУН

Қатар Бош вазири шайх Мұхаммад бин Абдураҳ-
мон Ол Соний томонидан ўзлон қилинган Ироил
ва ҲАМАС ўртасидаги оташкес келишуви Ироил ва
Фаластин ўртасидаги узоқ йиллик можароларнинг
зулматли солномаси узра умид нурини ёқкан-
дек бўлди. Ўн беш ойдан бери давом этаётган, ўн
минглаб инсонлар ёстигини куритган ва миллион-
лаб одамларни бошпанасиз қолдирган ҳалолатли
урушда ҳатто вақтнчалик тинчликка эришишнинг
ўзи ҳам катта гап.

Ўт очишни тўхтатиш ва асирларни алмашиб бўйича уч-
боқичли келишув мазмуни 2023 йил июлида АҚШ прези-
денти Жо Байден томонидан таклиф этилган ва БМТ Ҳавф-
сизлик Кенгаси ҳамда ҲАМАС томонидан маъқулланган
келишув лойиҳаси билан деярли бир хил. Аммо Ироил
сунгти етти ой мобайнинда янгидан янги шартларни илгари

суруб, бир неча бор музокараларни тўхтатган эди. Бу сафар ундай бўлмади. Бунинг бир катор сабаблари бор, албатта.

Ироил бош вазири Биньямин Нетаньяху ҳукумати Ироил армияси ичидаги қаршиликларга қарамай, уруш бошиданоқ ҲАМАСни бутунлай йўқ килиш ниятида эди. Қолаверса, Ироил стратегик аҳамиятга эга Нетзарим ва Филадельфи (Са拉丁) коридорлари каби кўллаб худудларда доимий ҳарбий назоратни ўрнатиш, Фазо шимолини тўлиқ эвакуация килиб, уни ёник ҳарбий зонага айлантириш ёки у ерга Ироил фуқароларини жойлаштириши режалаштирганди. Бирок бу режалар иш бермади. Ироил армияси каттик каршиликда дуч келди ва ўз назоратидаги шимолий худудларда ҳам катта йўқотишларга учради.

Бунинг устига, Ироил ҳалқаро миқсада ҳам яккала-

ни ўн минглаб одамлар мамлакатни тарқ этди. Тарихда илк бор Ироилнинг обрўсига жиддий путур этди. Бугун кўплаб Европа давлатларни агар Нетаньяху уларнинг ҳудудига кирса, Ҳалқаро жиноят суди карорига кўра, уни хибсга олишини матлум килишган.

Бу жараённи АҚШнинг сайланган президенти Дональд Трампнинг кутилган босими якунлаб берди. Нетаньяху ва унинг ҳукумати Трамп президентликса сайланган, эркин ҳаракат килишдан умидвор эди. Бирок, Ироилни тўллиқ кўллаб-куватлашига қарамай, Трамп можарони тугатиши, вазиятни юмаштишини талаб кила бошлади.

Азалий душманлар томонидан ўтасида дипломатик кў-
приз вазифасини ўтгаётган Қатар музокаралар учун ўз
худудини тақдим этди. Жума куни эрталаб Ироил бош вазири
Биньямин Нетаньяхунинг идораси Ироил, ҲАМАС, АҚШ ва Қатар ўргасида ўтичиши тўхтатишни ва Фазо секторида асириларни озод килиш бўйича келишув имзоланганини тасдиқлади. Баш вазир келишувни маъқуллаш учун хукумат юғилишини ўтказади.

Фазо секторидаги можаро томонидари – Ироил ва ҲА-
МАС ҳаракати Қатар, Миср ва АҚШнинг воситачилигидаги 42

кунлик ўтичиши тўхтатишга келишиб олдиради. Келишувнинг илк боқсичи 33 нафар ироиллик асирил тахминан минг нафар фаластиналик маҳбусга алмаштиришини кўзда тутади. Ироил кўшиллари Фазо сектори чега-расига чекинади, аммо ҳозирча сектор ичida қолади. Тинчликнинг биринчи кунидан бошлаб инсонпарварлик ёрдами етказиб бериши ҳажми оширилди – кунига 600 та, шу жумладан, 50 та ёқилги юкландан юк машинаси ўтказилади. Фаластиналиклар учун 200 мингта ўтов ва 60 мингта мобил ўтизиб берилади.

Келишув кафилари – Қатар, Миср ва АҚШ Кохирада мувофиқлаштируви марказ тузадилар. Тинчликнинг 16-кунида Ироил ва ҲАМАС келишувнинг иккинчи боқсичи бўйича музокараларни бошлашга мажбур. Бу боқсичда колган асириларни озод килиш, жанговар ҳаракатларни тўлиқ

Ғазодаги ВАЗИЯТ:



тўхтатиш ва Ироил кўшилларини тўлиқ олиб чиқиш кўзда тутади. Учинчи боқсичда жасадларни алмашиши, Фазо секторини кайта тиклаш ва унинг камалини тугатиш керак.

Бу можаро давомидаги иккинчи оташкес келишуви




Эрта она тилим агар йўқолса,
мен бугун ўлишга бўлурман ризо.

Расул ХАМЗАТОВ

Ўзбеклигингидан уяласизми?

Пойтахт кўгаларида
кўнгилдан кегган ўйлар



Мирноид МИРАКМАЛОВ олган суратлар

Kайсиид мамлакат осмонда юрадиган такси ихтиро килиб, амалиётга татбиқ этаётган бир пайда биз шундун сарлавҳа билан нимадир ёзишимиз бошқалар тутуб ўзимизга хам молақа келипти, очиги. Нима, ёзмиз десак, бундан бошча долзар муммо ўйки? Бор, албатта! Лекин биз сўз юритмокчи бўлайтган мавзу баззи бирорлар иддоа килағтанидек, майда масала эмас. Аксинча, у миллат тақдири, эрганти куни, янада аниқроги, она тилимиз билан боғлиқ ўта мухим, керак бўлса, хар куни гапириладиган ўта жиддий масалада!

Гап кўчалардаги савдо дўконлари ва ахолига хизмат кўрсатадиган турли шохобаларга кўйилган номлар хусуси боряпти.

Ха, бу хақда кўп ва хўб гапирилган, гапириляпти, ёзилган ва ёзилиши хам. Аммо натижка йўк! Шу боис биз яна пойтахт кўчалари бўйлаб пиёда юриб, кўрганларимиз асосида мақола ёзишига аҳд килдик.

НАВОЙ ИНГЛИЗ БЎЛГАНИ?
Yрадаги анхордан ўтгач, Алишер Навоий кўчаси бошланади. Ха, ул этот буюк шахс. Ўзбек миллиатининг фархи. Айниска, тилимизнинг кадр топиши ва шу кунгача етib келишига жуда катта хисса кўшган улуг шошир. Унинг миллат ўйлида кўнган ишларини эслаганинг сайин кўксинг ғурур-ифтихорга тўлади. Пойтахтнинг асосий кўчасига унинг номи берилгани хам шундан бўлса, ажаблас. Аммо...

Бу кўча бўйлаб кетаркансан, таъбингни хира киладиган, кўнглингни ранжитадиган холатларга, ажнабий тилдаги сўзлар битилган шохобаларга дуч келаверасан. Не илинж, умид билан девор пештоқларидан унга оид бирон-бир сўзни изlaysan. Лекин кўзларинг факат ўзга миллат тили билан битилган сўзларга тушаверади. Кайси кўча эканини англатувчи кичинча пешлавҳани хисобга олмаганде ва Алишер Навоий номидаги давлат музеи биноси ва унинг олдиғидаги хайкалчига у билан боғлик хеч нарса дуч келмайсан. Каерга карама, инглизча алламбalo номлар. Ўзингни худди Европанинг кайсиид мамлакати кўчасинда юргандек сезасан... Дўконининг пештоқнiga кандайдир ўзи хам тушунмайдиган хорижий сўзни биттан тадбиркорга ачинасан... Шударнинг ўринига «Шири», «Лайли» ёки «Фарҳод», «Искандар» деган номларни кўйса бўлмасмикан, деб куясанас... Лекин бундан фойда йўк. Чунки бизнес марказ очишга акли етган мардумнинг ўзбекча ном танлашга фаросати етмайди. Ёки етса хам, буни ўзига эп кўрмайди. Та-

гини суриштиресангиз, шу кўчадаги дўконларнинг хаммаси ўзбекларга тегишли бўлб чиқади. Лекин улар катта эхтимол билан ўзлигини билмайди. Акс холда, шохобасига бунақа ном кўймаган бўларди...

Чамамда, ҳазрат Навоий бошимизга шу кунлар келишини олдиндан билган экан. Акс холда, «Мухокамат ул-лугатай» асаридаги сатрларни битмасди: «Аммо туркнинг улугдин кичига дегинча ва нафкардин бегиза дегизига сорт тилидан баҳрамандорлар, андоқким ўз хўрд аҳвонига кўра айти олурлар, балки фасоҳат ва болагат била ҳам тақалум қўлурлар. Ҳатто турк шуаросиким, форсий тил била рангин автор ва ширин гуфтор зоҳир қўлурлар. Аммо сорт улусининг арзолидан аирифигача ва омийсидан дошишмансига чех ҳайси турк тили била тақалум кила олмаслар ва тақалум қўлгоннинг маънисин ҳам бўймаслар. Агар юздин, балки минедин бири бу тилин ўрганиб сўз айтса ҳам, ҳар киши эшишибура ва анине сорт эканин фахм қўлур ва ул мутакалм ўз тили била ўз расволига ўзи иккор қўлгондекдур».

Шу хаёллар билан Ҳадрага етиб келдик. Алишер Навоий кўчасидан сўнг ўйлимиз Абдулла Қодирий кўчасига туташди. Биз у ерда «Кумуш»ни учратармиз деган умидда эдик...

**«ОТАБЕК» У
«КУМУШ»ЛАР
ЯРАШМАСИДИ?**

Aфсус, Абдулла Қодирий кўчасидаги манзара хам дилни хира килгудек даражада экан. Кумуш у ёқда турсин, ҳатто Абдулла Қодирийн эслатадиган миттингина деталнинг ўзи ўйк. Ҳар бир дўкон пештокида ажнабий номлар. Масалан, дўконларга мақсади ва хизмат кўрсатиш турдидан келиб чиқиб, «Отабек» ёки «Кумуш» деган ном кўйилса, ярашмасиди?

Булар тадбиркорлар. Мулк ўзиники, шундай экан, истаган номни беришга хаки бор десиз. Шундайдай-я, аммо шуни унугтаслик керакки, тил масаласи шу миилатнинг ҳар бир фуқароси, яъни хоҳ тадбиркор, хоҳ мансабдор бўлсин, барчага бирдек даҳлор масала.

Хўш, масъуллар кеярга карашпти? Нега бу хақда бош котиришмаяпти? Масалан, Республика Маънавият ва маврифат маркази ёки Ёшлар ишлари агентлиги, боринг ана, шаҳар ҳокимилиги ташаббус билан чиқиб, шу қўчаларга Навоий ва Қодирий газаллари, асарлари, биттиларидан айрим мисралар келтирилган пешшавхалар ўрнатас бўлмайдими? Нима унун мутасаддилар бу хақда жиддий бош котиришмайди? Ёки бу борада хам юкоридан буйрук бўлишини кутишармикан?

Афсус, тилимиз борган сайн кадрсизланиб боряпти. У хақида факат бир йилда бир марта, яни 21 октябрь – Ўзбек тилига давлат тили макоми берилган кунин кайғурий коламиз, холос. Гўёки хаммамиз тилнинг жонкуярига айланамиз. Кейин эса хаммаси яна ўша эски хаммом, эски тослигича колиб кетаверади. Янги марказ, худуд, шаҳар ва шоҳобалар ажнабий номлар, хорижий сўзлар билан бойиб бораверади. Улар орасидан ўзбек тилида битилган лоакал битта жумлани топиш илинжига кўчаларни кезаверамиз, кезаверимиз... Ахир, качондир келиши керак-ку, биз кутган кунлар...

Шу ўринда Абдулла Қодирийнинг

сўзлари ёдга тушади:

**«Ўзбек тили камбағал
тил эмас, балки ўзбек
тилини камбағал дегув-
чиларнинг ўзи камбағал.
Улар ўз нодонликларини
ўзбек тилига тўнкама-
синлар».**



Гуломжон
МИРАХМЕДОВ
«ISHONCH»



Келажакни АРОККА алмашманг!

– Дадам ёлғончи, бариб, олиб бермайди.

– Нимани олиб бериши керак?

– Буви, дадамга қачондан бўён шахмат олиб беринг, дейман. Лекин ҳар сафар «Шошимай тур!» дейди.

– Дадангни хам тушун-да, болам. Бутун рўзгор бўйинда. Камига кредитлари бор. Ўзим айтиб кўйман, агар бу сафар ҳам олиб бермаса, шахмат сендан айлансан, пенсиянинг бир кисмини сарфлаймиз, болажоним.

Бу сұхбат яқинда бир ошнамникига борганимда кулоглинига чалинди. Оғайнининг 9 ёшли фарзанди бувисининг сўнгиги гапидан жуда хурсанд бўлиб кетди.

Шахмат мавзуси хақида оғайнимдан сўради.

– Кўрмайсанми, бир-иккى ойдан бери шахмат олиб беринг, деб хол-жонимга кўймайди, – деди у. – Деярли ҳар куни шу гап. Мен унга «Хозир пулум йўк, биро шошмай тур», десам сира кўнмайди. Кошки, шахмат ўйнаб дунёни олиб береса. Ундан кўра, кўйларни боксин, шундан фойда...

Энг кизиги, ўша куни кечқурун чойхонада оғайнилар билан йигилдик. Давра роса кизиди. Бир маҳал ўзлига шахмат олишига пули ўйк ошинам эриб кетиб, иккита арок учун официантга 200 минг сўм узатди.

Очиги, ўша пайтда роса ажабландим, жахим чон чиқди.

Наҳотки, фарзандининг орзусидан арок устун бўлса?! Ота ўша 200 минг сўмга ўзлига зўр шахмат олиб берса бўлади-ку! Ким билсин, балки ўғли ўша шахматни ўйнаб, халкар гроссмейстер бўлар. Чемпион бўлмаган тақидира ҳам, етуклик сари дадил қадам ташлар. Афсуски, буни отга тушунмайди. Агар тушунганида ўғли аллақаён шахматли бўларди. Фарзанд учун сарғонланган пул – келажакка киртилган инвестиция-ку, ахир! Буни ошнам билармикан, тушинармикан?..

Кечя ҳалиги ошнам телефон килиб, кечқурун инга чойхонада ўтириши таклиф килди.

Сўзсиз унга рад жавобини бердим. Мен ундан, «Ўзгингни нега шахмат олиб бермайсан, пулинг бор-ку», деб сўрамоқни бўлдим, лекин индамад кўя колдим.

Аслида ошнамга ва унга ўхшаганларга бир сўз айтиб кетганди:

Фарзандлар келажагини арокка алмашманг!

Умид ХУДОЙҚУЛОВ
«ISHONCH»

Мураккаб ва нозик муроса



Эҳтимолий кайтишини нишонлаш учун кўчаларга чиқдилар. Бирор жамиятнинг аксарият кисми ушбу келишувни хавотир билан кабул килар экан, уни миллий хавфсизликка таҳдид сифатига кўрятти. Ҳукумат ичидаги сиёсий қарама-каршиликлар ўнг канот вазирларнинг келишувни «хавфли» ва «қабул килиб бўлмас» деб баҳолашди намоён бўляйти. Ироил ва бош вазиринин Нетаньяху ҳукумат коалицияси тарқаб кетишининг олдинни олиш масадидан молия вазiri Бешалел Смотрич ва миллий хавфсизлик вазiri Итамар Бен Гвир каби ўта ўнг канот итифоқчиларига 42 кунлик биринчи тинчлик босқичидан сўнг урушни кайта бошлашни ваъда килимоди, деган фикрори ҳам йўқ эмас.

Узлуксиз бомбардимонлардан чарчаган Фазодаги тинч ахоли эса ушбу янгиликни тоза ҳаво янглиғи кабул килди. Улар унун бу келишувни ҳадик-хавотирсиз хаёт ҳам борлигини ёдга солди.

Нима бўлгандан ҳам, бу келишув кўплаб халкаро кучларнинг иштирокидаги мураккаб музоқаралар натижасида эришилди. Жо Байден бу натижани «мустахкам дипломатия»нинг ютуғи деб атади ва 2024 йилнинг майди. Илгари сурган уч босқичли тинчлик режисси ёдга олди. Ушбу режис томонларни урушни тўлиқ тўхтатиш ва Фазо секторини кайта тиклаш бўйича мулокотга чакиришини масад килган эди.

“
КЕЛИШУВНИНГ ИЛК БОСКИЧИ ЗЗ
НАФАР ИСРОИЛЛИИ АСИРИИ ТАХ-
МИНАН МИНГ НАФАР ФАЛАСТИН-
ЛИК МАХБУСГА АЛМАШТИРИШИИ
КЎЗДА ТУТАДИ. ИСРОИЛ КЎШИНЛА-
РИ ГАЗО СЕКТОРИ ЧЕТАРАСИГА ЧЕ-
КИНАДИ, АММО ХОЗИРЧА СЕКТОР
ИЧИДА ҚОЛАДИ. ТИНЧЛИКИНГ
БИРИНЧИ КУНИДАН БОШЛАБ ИН-
СОНПАРВАРИК ёРДАМИ ЕТКА-
ЗИБ БЕРИШ ҲАЖМИ ОШИРИЛАДИ
– КУНИГА 60 TA, ШУ ЖУМЛАДАН,
50 TA ёКИЛГИ ЮКЛАНГАН ЮК МА-
ШИНАСИ ЎТКАЗИЛАДИ. ФАЛАС-
ТИНЛИКЛАР УЧУН 200 МИНГТА
ЎТОВ ВА 60 МИНГТА МОБИЛ ЎЙ ЕТ-
КАЗИВ БЕРИЛАДИ.

Аммо мажаронинг оқибатлари ҳали ҳам миттакани ларзага солмоқда. Уруш Ҳизбулоҳ ва Эрон итифоқчилари каби Ироилга таҳдид солаётган кучларни заифлаштириди, аммо Ғазодаги гуманитар инкоризни янада оғирлаштириди.

Уруш 46 минг нафардан ошиқ фаластиналар таҳминан 1,5 минг нафар ироилликнинг ҳаётига зомин бўлди, Ливан ва Яманга ҳам тарқалиб, Ироил ва Эрон ўртасидаги ракета зарбалари алмашинувига сабаб бўлди. Бундай оғир жароҳатлар эса можаро иштирокчиларининг ҳали-бери ёдидан чикмаслиги мумкин.

Бу келишув миттаканинг ўзини-ўзи тиклаш кобилияти синовдан ўтказидаган имконият сифатига баҳоланмоқда. Ваҳоланки, гап фақат килуда турган тинчликни сақлаб қолишина эмас, балки узоқ муддатли баркарор ечимга пойдевор яратиш ҳакида кетмоқда. Аммо томонлар ўртасида жуда катта оғирлигига иштимои бирдамлик кўмита-ларига топширишга рози эканини маълум килди. Аммо Фазодаги раҳбари Махмуд Аббос ушбу режиси кўллаб-куватларасиги маълум.

Бироқ узоқ вакт кўркўв таҳотирда яшаган одамлар бугун ушбу зигирлер имкониятдан ҳам умидвор. Ғазодаги кўпчилик ўз уйларига қайтиши, Ироилдагилар эса яқинлари билан юз кўришини орзу килипти. Эҳтимол, бу келишув мажаронинг узил-кесли якуни бўлмас, аммо уруш даҳшатларини бошдан кечиргандар учун ўта зарур тинчлик э

